Ушбу сонда:
2 МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИ Қаерда ва қачон бузилмоқда?
3 ХАЛҚИМИЗНИНГ УЙҒОҚ ХОТИРАСИ
4 1 октябр-Ўқитувчилар ва мураббийлар куни УСТОЗГА ТАЪЗИМ!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 29 сентябр, чоршанба № 137 (784)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН»

Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитасининг «Меҳнат» нашриёти ўқувчиларга тақдим этган янги рисола ана шундай номланди. С.Ғуломов, Р.Убайдуллаева, Э.Аҳмедов ҳамкорлигида битилган мазкур рисола неча минг йиллик бой тарих ва маданиятга эга бўлган юртимизга бағишланган. Унда мамлакатимизнинг табиий-иқлим шароити, демографик хусусияти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, жаҳонга тобора кенгроқ юз тутиб бораётганлиги далиллар асосида ёритилган. Маънавият ва маърифатни юксалтириш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини янги босқичга кўтариш мустақил Ўзбекистоннинг стратегик йўналиши эканлигига алоҳида урғу берилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик Маркази ҳамкорликда тайёрлаган ушбу рисола мактаб ўқувчилари, лицей, коллеж, олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган.

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!

Қадрли устозлар!

Сизларни умумхалқ байрами - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Дунёда ҳар қайси касб-ҳунарнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти ва қадр-қиймати бор. Аммо уларнинг орасида энг улуғ ва шарафлиси, бу - ўқитувчилик касбидир. Чунки муаллим ҳар биримизга сабоқ беради, ақлидрокимизни юксалтиради, ҳаёт илмини ўргатади. Заҳматкаш устоз-мураббийларнинг меҳнат ва тарбияси туфайли қалбларимиз покланади, дилимизда олижаноб инсоний фазилатлар камол топади.

Шу боис барчамиз ўқувчилик йилларини ҳаяжон ва соғинч билан эслаймиз, меҳнаткаш ва меҳрибон устозларимизни ҳамиша эзгу сўзлар билан хотирлаймиз.

Устозни отадан улуғ деб билган маърифатпарвар халқимиз муаллим ва мураббий зотини ҳамиша ардоқлаб, уларнинг меҳнатини қадрлаб келади.

Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек, бизга лоақал бир ҳарф ўргатган устознинг ҳаққини юз минг ганжу хазина билан ҳам узиб бўлмайди. Биз улардан умрбод қарздормиз.

Азиз муаллимлар!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишда сизларнинг ҳиссангиз беқиёсдир.

Бу дастур мавжуд таълим-тарбия тизимини ўзгартирибгина қолмасдан, балки биз орзу қилаётган янги авлодни тарбиялайди.

Янги авлод деганда мен, аввало, ўзлигини теран англаган, улуғ мутафаккир аждодларимизнинг буюк ва бетакрор меросига муносиб ворис бўлган, шу билан бирга, илм-фан чўққиларини эгаллашда маърифий дунёда ҳеч кимдан қолишмайдиган навқирон фарзандларимизни назарда тутаман.

Ана шу авлодни тарбиялайдиган Миллий дастур энг катта орзу-умидларимизни, муқаддас интилишларимизни рўёбга чиқарадиган, ҳозирги ва келажак ҳаётимизнинг равнақини белгилаб берадиган асосий омилдир. Бу шарафли вазифа бугунги кунда жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига, эркин ва фаровон ҳаёт қуришни кўзлаб яшаётган халқимиз зиммасига улкан масъулият юклайди. Лекин биринчи навбатда бу эзгу иш сиз каби маърифат фидойиларининг давлат ва халқ олдидаги муҳим ижтимоий ва инсоний бурчидир.

Мана шу улкан ва ўта масъулиятли вазифани адо этишингизда давлатимиз ва жамиятимиз муҳтарам муаллим ва мураббийларимизни эъзозлаш ва ардоқлашда, сиз азизларга муносиб шарт-шароит яратишда ҳеч қандай куч ва маблағини аямайди, деб ишонтиришга рухсат бергайсиз.

Азиз устозлар!

Сизларни байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга соғлик-омонлик, бахту саодат, шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



МАНГУЛИККА ДАХЛДОР МАЖМУА

Шу кунларда Урганч шаҳрида буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги юбилейига катта тараддуд кўрилаяпти. Шу боис шаҳар марказида барпо этилаётган Жалолиддин Мангуберди мажмуи қурилиши ҳам якунланиш арафасида турибди.

Айни пайтда юбилей тантаналари бўлиб ўтадиган майдонда гумбазларга пардоз бериш, нақш ва миллий усулда жилолаш ва мармар ётқизиш ишлари жадал олиб бориляпти. Шунингдек, Шовот каналининг чап қирғоғида катта дам олиш маскани ҳам барпо этилди. Шаҳарнинг Ал-Хоразмий кўчаси бошланадиган жойда эса «Ал-Беруний» ва «Ал-Хоразмий» боғлари барпо этилиб, улар ичида ёдгорлик мажмуалари қад кўтарди.

Ҳозир бу ерда пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилаяпти. Зеро, улкан иншоот буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди номини абадийлаштириш билан бир қаторда, ушбу қадимий шаҳарнинг чиройига янада чирой қўшиб турадиган табаррук қадамжой бўлиб мангу қолади.

Суратларда: 1.«Жанубгазқурилиш» трестининг 5-қурилиш бошқармаси пардозчилари (чапдан) Рашид Эгамберганов, Азамат Кўчқоров, Одилбек Саидмуротов ва Темур Саидмуротов ҳар бир ишни бамаслаҳат қилмоқдалар.

2.Шаҳарнинг «Ал-Хоразмий» боғидаги қурилишлар жадал кетмоқда.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

САЙЛОВ ВА ЁШЛАР

«Сайлов - давлатчиликни такомиллаштиришда муҳим босқич» деган мавзуда республика семинар кенгаши бўлди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган бу анжуманда мамлакатимиз олий ўқув юртларининг биринчи проректорлари, етакчи профессор ва ўқитувчилари иштирок этди.

Мустақиллик йилларида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар юз берди, уни тубдан сиёсий ислоҳ қилиш жараёни давом этмоқда, деб таъкидлади олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик С.Ғуломов семинарни очиш чоғида. Бу ўзгартишлардан асосий мақсад демократик ҳуқуқий давлат қуришдир. Бу мақсадга эришиш учун барча шарт-шароит яратилган. Халқаро меъёрлар ҳисобга олиниб, ташкил этиладиган бўлажак сайлов ислоҳотлар жараёнини тезлаштиришга хизмат қилади.

Жамият олдида турган вазифаларнинг бажарилиши бу ишда ёшларнинг иштирокига, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқ, деб таъкидланди семинарда.

Мамлакатимизда ишлаб турган сиёсий партияларнинг раҳбарлари ва вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар семинар иштирокчилари ҳузурида сўзга чиқдилар. Улар тўпланганларнинг диққат-эътиборини сайловолди даврида ёшлар орасида кенг кўламда тушунтириш ишларини олиб бориш зарурлигига қаратдилар. Шу мақсадда семинар иштирокчиларига зарур методик адабиётлар топширилди.

Қирғизистон жанубидаги вазият хусусида

Қирғизистоннинг «Кабар» ахборот агентлигининг хабарига қарагандa, кеча уруш ҳаракатлари давом этаётган жойда нисбатан осойишталик бўлди. Жангариларнинг асосий қисми ҳукумат қўшинлари томонидан берилган кучли зарбага дош бера олмай, катта талафот кўриб, кичик бир гуруҳни соқчиликда қолдириб, Хўжа Очкан дараси ичкарисига чекинди. Жангарилар ҳамон Хўжа Очкан дарасида, Зардоли қишлоғида турибди.

Қирғизистон Республикаси қўшинлари бирлашган гуруҳининг қўмондони генерал-лейтенант Абдигул Чўтбоев брифингда Ўзбекистон қўшинлари Қирғизистон ҳудудидаги жанговар операцияларда ҳозирча иштирок этмаётганини айтди. Лекин улар Сўх томонида Ўзбекистон ҳудудини ишончли қўриқлаб турибди ва жангариларнинг бир неча ҳужумини муваффақиятли қайтарди, шу йўл билан Қирғизистон томонига сезиларли ёрдам бермоқда.

Олинган маълумотларга қараганда, Қирғизистон Республикаси ҳарбий тузилмалари Гиёмуш довонида Гавен деган жойни тўсиб қўйган ва 20-25 кишидан иборат жангарилар гуруҳини қуршовга олган. Ҳайдаркон аҳоли пунктининг жанубий йўналиши ўққа тутилганда икки жангари яксон қилинган. Ҳозирги вақтда мазкур йўналишда блок-постга борадиган йўлларни Қирғизистон ҳарбий хизматчилари назорат қилиб турибди.

Қирғизистон қўшинлари Боткен туманида Ҳайдаркон аҳоли пункти атрофини текшириб чиқмоқда, жангариларни қўлга олиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Жангарилар гуруҳлари чалғитиш йўлига ўтган. Чунончи, Қирғизистон ҳукумати қўшинларининг Газ, Киштут, Сирт қишлоқларидаги блок-постларини тунда ўққа тутмоқда. Жангарилар тўдалари Қирғизистон ҳукумат қўшинларининг бўлинмалари билан жанг чоғида талафот кўрмоқда, шу сабаб Тожикистон чегара ҳудудида жойлашиб олган дала командирларига ҳарбий тўқнашувлар бўлаётган жойга жангариларнинг қўшимча гуруҳларини, ўқ-дори ва озиқ-овқат юбориш тўғрисида кўрсатма берганлиги маълум бўлди. Бу эса Бирлашган Тожикистон мухолифатининг айрим дала командирлари Қирғизистонга суқулиб кирган террорчиларга ёрдам беришни давом эттираётганини яна бир бор исботлайди.

Н.МУҲАММАДИЕВ. (ЎзА)

Хўжалик шифо маскани

Беруний туманидаги «Қиётобод» хўжалиги аҳолиси эндиликда даволаниш учун марказга қатнамайдиган бўлди. Бу ерда энг янги тиббий ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пункти очилди. Унда малакали врач ва ҳамширалар беморларга хизмат кўрсата бошлади.

Йил бошидан буён Қорақалпоғистонда бешта шундай шифохона фойдаланишга топширилди.

ЯНА ТЕРРОРЧИЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ҚИЁФАСИ ҲАҚИДА

Оммавий ахборот воситаларида Қирғизистон ҳудудига бостириб кирган диний экстремистларнинг жиноий ўтмишини кўрсатувчи далиллар кўп бор чоп этилди. Ўш вилоятининг Ҳайдаркон тумани маркази яқинида 17 сентябрда ярим тунда юз берган воқеалар натижасида босқинчилар юзидан «дин ҳомийлари» деган сохта ниқоб яна бир бор олиб ташланди ва уларнинг ҳақиқий башараси намоён бўлди.

Илгари хабар берилганидек, 17 сентябрдан 18 сентябрга ўтар кечаси жангарилар гуруҳининг Қирғизистон армияси блок-постига ҳужуми чоғида террорчилар бошлиқларидан бири Абдували /уни Адулазиз ҳам дейишади/ Йўлдошев ўлдирилди. Сой ва Сирт қишлоқлари аҳолисининг далолат беришича, дала командири Абдували ўлдирилган жангга террорчилар кучли наркотик кайф билан кирганлар. Маҳаллий фуқаролар воқеа содир бўлган жойда шприцлар ва наркотик моддалар қолдиқлари сақланиб қолган бўш ампулаларни топганлар. Қирғизистон матбуотида жангариларнинг гаранг кишилар ҳаракатларини эслатувчи ҳулқ-атворига баҳо берилган мақолалар эълон қилинди. Бу воқеаларнинг бевосита шоҳиди бўлган кишилар «жангарилар ўқ ёмғирига қарамай, «Оллоҳу Акбар!» деб қичқириб, очиқ бостириб келганликларини фақат наркотик кайф билан изоҳлаш мумкин», деб бир оғиздан айтишмоқда.

Ўзларини «Ислом жангчилари» деб атаётган террорчиларнинг радио орқали мулоқотларининг мазмуни фақат бир нарсани - ғайриқонуний даромадларни ва ўғирланган мол-мулкни бўлиш чоғида ўз улушидан қуруқ қолмаслик тўғрисида ташвишланаётган жиноятчиларнинг гапларини эслатади. Босқинчилар аҳолидан озиқ-овқат, мол, дон, иссиқ кийимларни зўрлик билан тортиб олмоқда, асирликдаги одамларни эса калтаклаб, ҳандақ қазишга, истеҳком қуришга мажбур қилмоқда.

Қирғиз шарҳловчилари террорчилар гуруҳлари аъзоларининг ўзаро муносабатларида бир-бирига ишонмаслик, шубҳа билан қараш авж олаётганини таъкидлашмоқда. Сўнгги вақтда террорчилар бошлиқлари ўртасида ўзаро можаро кучайиб кетди. Чамаси, уларнинг радио орқали мулоқотларига қараганда, айрим дала командирлари ҳамда тўдаларнинг кўплаб оддий аъзолари гаровда ушлаб турилган кишиларни бўшатиш эвазига бериладиган пулни тақсимлаш чоғида қуруқ қолишларидан тобора кўпроқ ташвишланаётгани ўзаро ишончсизликнинг кучайишига сабаб бўлмоқда.

ЎзА - «Жаҳон»

Қишга тайёргарлик қандай?

БОЙ БЕРИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТ

Яқинда бирдан ҳаво ҳароратининг ўзгариши, ёмғир ёғиши гўё қишга тайёргарлигимизни синаб кўргандай бўлди. Газетхонлардан таҳририятимизга келаётган хат-хабарларнинг бир қисмида ҳам жойларда қишга тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек эмаслиги, натижада айрим кўп қаватли уйлар томидан чакка ўтаётгани, иситиш тармоқлари ёлчитиб ишламаётгани боис иссиқ сувдан баҳраманд бўлинмаётгани ва бошқа қусурлар хусусида таассуф билан маълум қилинади.

Юқоридаги мазмундаги мактублар кўпроқ Тошкент шаҳрига тегишли бўлгани сабабли пойтахтимизнинг баъзи туманларида бўлиб, хонадонлар эгалари, корхоналар раҳбарлари билан суҳбатлашдик, жойлардаги ҳақиқий аҳволни кўздан кечирдик.

Шайхонтоҳур тумани уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасига қарашли «Марказ-14» 1-участка бошлиғи Исломжон Ибрагимов қуйидагиларни гапириб берди: раҳбар бўлиб тайинланганимга бир ой бўлди, вақт тиғиз, шу боис барча куч ва имкониятларни қиш мавсумига тайёргарлик ишларига сафарбар қилаяпмиз. Бизнинг участкада 44та уй, 2335 та хонадон бор. 7 та уй тубдан таъмирланди. Хонадон эгаларининг 80 фоизи коммунал хизмат тўловларини ўз вақтида тўлашаётир. Бироқ, афсуски, гуруч қурмаксиз бўлмаганидек, ишимизда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, 3 та уйнинг ертўласига йиғилиб қолган сув ҳанузгача бартараф этилмади. Ёз ойларида айрим 9 қаватли уйларнинг 5-қаватдан юқорисини сув билан таъминлашда узилишларга йўл қўйилди.

Хўш, нега шундай бўлди? Саволга эса жавоб йўқ. Ахир энг тўғри ва оқилона йўл ўз вақтида унинг сабабларини аниқлаб, камчиликларни тугатиш чораларини кўришда эмасми?! Афсуски, кўп ҳолларда бунинг аксига дуч келамиз. Касалнинг олдини олиш ўрнига уни газак олдириб юборамиз.

Ушбуни мазкур участка 1-уйнинг 59-хонадонида яшовчи Надия Рахматулинанинг қуйидаги сўзлари ҳам тасдиқлаб турибди:

-Биз 9-қаватда истиқомат қиламиз. Ёз келди дегунча «Совуқ сув таъминотида узилиш бўлмасмикин?» деган ташвишда яшаймиз. Жорий йилда нафақат бизнинг, балки кўпчилик уйларнинг юқори қаватларига совуқ сув чиқмади. Сабабини суриштирсак: «Босим йўқ» деб жавоб беришади. Ҳадемай, қиш келганда иссиқ сувнинг аҳволи ҳам шундай бўлади.

Мазкур участкадаги 3-уйнинг бошлиғи, меҳнат фахрийси Абдукарим ака Ғаниевнинг эътирозлари:

-Уйимиз қурилганига 26 йилдан ошди. Атрофимизда ақлни лол қолдирадиган ўзгаришлар рўй бераётир. Лекин бизда-чи? Шунча вақтдан буён ертўлада жойлаштирилган на қувурлар, на винтиллар таъмирдан чиқарилди.Бу ҳақда биз мурожаат қилмаган ташкилот, идора қолмади ҳисоб. Охирги марта бир йил аввал Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарига арзнома ёзган эдик. Фойдаси бўлмади.Туман раҳбарларига йўллаган мактубимизга ҳатто жавоб ҳам ололмадик. Қувурлар, унинг қисмлари занглаб, чириганидан ертўлада доим сув тўпланади.

Ҳар йили томимиздан чакка ўтади, хонадонлар яхши иситилмайди. Бу қусурлар жорий йилда ҳам такрорланадиганга ўхшайди.

Меҳнат фахрийсининг яна таъкидлашича, туман уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси билан ўзаро шартнома тузилган. Шартнома шартлари бўйича бир томон харажатлар учун маблағ ажратади-ю, лекин иккинчи томон мажбуриятларини унутиб қўймоқда. Масалан, хоналар сахни 80 квадрат метр бўлган хонадон эгаси ойига 960 сўм пул тўлайди. Иситиш ускуна-жиҳозлари, қувурларни таъмирлашга сарфланадиган харажатлар ҳам ана шу ҳисобдан.

Юнусобод тумани «Марказ-5» да жойлашган айрим кўп қаватли уйлардаги аҳвол хусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин.

- 60-уйда 84та хонадон бор,-дейди уй бошлиғи Мели ака Турсунов,-ертўла ўлда-жўлда таъмирланган. У ердаги барча жўмраклар, мурватлар ҳам алмаштирилмаган. Шунинг учун улар на очилади, на ёпилади. Томимиздан доимо чакка ўтиб туради. Кириш йўлакчалари 15 йилдан бери таъмирланмаган. Биз шартномага асосан ўз вақтида керакли харажатларни тўлаб турсак ҳам нима учундир туман уй-жойлардан фойдаланиш ташкилоти шартномадаги шартларни бажармаяпти.

Собир Раҳимов тумани уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасига қарашли Себзор даҳасида жойлашган 4-ижара ташкилотининг бошлиғи Анвар Шерматов билан суҳбатлашганимизда, у шундай деди: Даҳада бизга қарашли уйлар сони - 50та. Уларда 4479 хонадон мавжуд. Режа бўйича 4 та томдан 3 тасини таъмирладик, 12 тасини жорий таъмирлаш керак. Бу юмушларга маблағ йўқ. Очиғини айтиш керак - бизнинг худудда яшаётган фуқароларнинг кўпчилиги коммунал хизмат тўловларини вақтида тўлай олмаяптилар. Бунинг натижасида режа асосида қилинадиган таъмирлаш ишлари орқага сурилмоқда. Шунга қарамасдан, барча уйларда қишки мавсумга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Ушбу даҳадаги «Тахтапул» маҳалла оқсоқоли Ўктам Юнусов қуйидаги фикрларини айтди: «Маҳалламиз ҳудудида 18та уй 1526 та хонадон яшайди. Уларда 7минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уйларнинг эса кўпчилиги қишга тайёр эмас. 50 фоизга яқинини тубдан таъмирлаш керак. 35А, 39, 40, 44-уйлар ертўлаларида қувурлар чириб,тешилиб кетган. Ертўлада доимо сув оқиб туради. 35В, 37 ва 52-уйларнинг томларидан чакка ўтади. 9 қаватли уйларнинг 5-қаватдан юқорисида ёз фаслида совуқ сув етарлича бўлмади, сабаби керакли босим таъминланмади. Иситиш тизими ўтган йилда ҳам яхши ишламади. Чунки қувурлар чиқиндилар билан тўлиб қолган. Туман уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси маблағи етарли бўлмаганлиги сабабли, маҳалла ҳудудидаги барча уйларни маҳалла қўмитаси ўз тасарруфига олиш арафасида турибди.

-14 йилдан бери шу маҳалланинг 35-в уй 9-хонадонида яшайман,- ҳамсуҳбати фикрини давом эттирди Суннат Шермуҳамедов. - Томимиздан чакка ўтмаган бирон йилни эслолмайман. Ўтган вақт мобайнида томни таъмирлашга икки марта ўз ҳисобимдан маблағ сарфладим. Бурноғи йили эса ёрилган канализация қувурини таъмирлаш зарурлиги юзасидан участка бошлиғи, муҳандиси ва устасига икки ойча қатнадим. Фойдаси бўлмагач, бошқа жойдан уста чақиртириб,таъмирлатишга мажбур бўлдим. Ижара корхонаси раҳбарлари эса аҳволни кўра-била туриб, пинакларини бузишмаяпти.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг аксарияти қишга тайёргарлик ишларига мутасадди бўлган ташкилот, идоралар фаолиятида қатъийлик, изчиллик, ҳамжиҳатлик етишмаётганини тасдиқлайди.Шу важдан ҳам бевосита ушбу тармоқ мутасаддиси, Собир Раҳимов туман уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Мирботир Аъзамов фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

-Томларни ва бошқа таъмирлаш ишларини олиб бориш учун маблағимиз йўқ,-дея гапни қисқа қилди у.

«Йўқ» деган баҳонани рўкач қилиш оппа-осон. Изланиш, муаммолар ечими йўлида бош қотириш, ҳомийлар топиш,баъзан усталардан ҳашар усулида фойдаланиш, коммунал хизмат тўловларини вақтида ундиришни таъминлашга эришиш лозимлигини муттасадди раҳбарларга эслатиб қўймоқчимиз.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, кўпгина жойларда қишга тайёргарлик ишларини ёзда эмас, балки қишли-қировли кунлар яқинлашиб қолганда бажаришга киришадилар. «Ҳа, бўл, ҳа, бўл» билан эса ишнинг сифатини таъминлаш мушкул.

Ш.ИЛҲОМОВ, А.МАННОПОВ.

Ҳуқуқшунос минбари

ЭРКИН САЙЛОВ ТАМОЙИЛЛАРИ

Бугунги кунда республикамизда олиб борилаётган ислоҳотлар Оммавий ахборот воситалари олдига муҳим вазифалар қўймоқда. У ахолининг янги онг ва тафаккури шаклланишида эркин бўлиш билан бирга, ўз нуқтаи-назарини холис ифодалаши, фуқаролар манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлиши лозим. Бунинг учун мамлакатда юз бераётган жараёнларни кенг, атрофлича ёритиши, давлат ва жамият ўртасида алоқачи вазифасини ўташи, шунингдек, тажрибали журналист ҳуқуқшунос минбари кадрлар тайёрлаш жараёнида уларга ахборот олиш, таҳлил қилиш ва уни қайта ишлаб аҳолига етказишнинг замонавий усулларини ўргатишда кўмаклашиши мақсадга мувофиқдир.

Унинг энг муҳим вазифаларидан бири фуқароларнинг фикрини ифодалаш, сўз эркинлигига эришишда у билан ҳамкорлик қилишдир. Кўпчилик демократик давлатларда эркин матбуот, суд ҳокимияти, сиёсий тизим билан бир қаторда эркин фикр ифодалашнинг кафолати, ахборот эркинлигининг муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар чуқурлашиши муносабати билан Оммавий ахборот воситалари фаолияти ва механизмини тартибга солиб турувчи қонуний замин яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасига биноан оммавий ахборот воситалари эркиндирлар ва қонунга мувофиқ ишлайдилар. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Бу меъёр бир неча қонунларда ўз аксини топди ва ҳар бир журналистга эркин ва ҳеч қандай қаршиликларсиз ахборот излаш, олиш, бериш ва тарқатиш имкониятини беради.

Сайлов уюшма (бирлашма) аъзоларини ёки уларнинг вакилларини масъул лавозимларга ёки масъул ўринларга овоз бериш орқали ўтказиладиган расмий жараёндир.

Барча давлатлар ва фуқароларга мос келадиган ягона сайлов тартиби мавжуд эмас. Миллий суверенитет шароитларида бошқарув ҳуқуқи халқнинг ўз хоҳиши билан вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган ҳақиқий сайловларга асосланган бўлиши лозим.

Халқ ҳоҳиши қуйидаги омиллар орқали ифодаланади:

1. Умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи;
2. Тўғридан тўғри ёки эркин сайланган вакили орқали давлат бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқи;
3. Ўз мамлакатидаги давлат хизматида тенг ҳуқуққа эга бўлиш;
4. Сайловчиларнинг ҳоҳишларини тўла кафолатлайдиган яширин ёки шунга ўхшаш сайлов тартиби;
5. Тинч йиғинлар ўтказишга эркинлик ҳуқуқи;
6. Уюшмалар ташкил қилиш учун эркинлик ҳуқуқи;
7. Ахборотларни эркин излаш, олиш, тарқатиш ва турли хилдаги ғояларни оғзаки ёзма ёки чоп қилиш тарзида, санъат асарлари орқали ёхуд бошқа йўллар билан тарқатишда фикр ва сўз эркинлиги ҳуқуқи;
8. Фуқароларнинг Конституцияда кўрсатилган тартибларга суянган ҳолда давлат бошқарувини ўзгартириш ҳуқуқи.

Эркин сайловлар ҳақидаги бу халқаро концепция Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигида ҳам ўз аксини топган.

Халқаро талабларга биноан эркин сайловларнинг муҳим тамойилларидан бири сайловчиларнинг хоҳишларига кўра эркин сайлов ўтказилиши номзодларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва имкониятлари таъминланиши билан бирга ошкоралик ҳамда очиқликдир.

Юқорида қайд этилган қонунларга кўра, сайлов комиссиясига тайёргарлик ва унинг ўтказилиши очиқ ва ошкора амалга оширилади. Бунда асосий сиёсий партиянинг кузатувчилари, Оммавий ахборот воситалари вакиллари шунингдек, халқаро кузатувчилар сайлов жараёнининг барча тадбирларида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Шундай қилиб, Оммавий ахборот воситаларининг сайлов пайтидаги асосий вазифаси сайлов эълон қилинганидан то сайловчиларнинг овоз бериб бўлиши тугагунга қадар натижаларни халққа бетўхтов етказиб туришдир.

Фарида БАКАЕВА,
юридик фанлари номзоди.

Яхшилар бор бўлсин!

ҲИММАТ

Ғузор туманидаги Навоий жамоа хўжалигининг Турсари қишлоғида 70 ёшдан ошган самимий суҳбати билан кўпчиликка маълум бўлган Ҳасан ота истиқомат қилади. Кўп йиллар мактабда ёшларга сабоқ берган отахон бугун қарилик гаштини сурмоқда. У ҳаёт синовларидан мардона ўтди. Кўнглига эзгуликни туйган ота Муборак Макка зиёратини адо этиб, қайтди. Қишлоғидаги Жума Боймуродов номли мактаб ўқувчиларига баҳоли қудрат кўмаклашаётганлигидан қишлоқдошлари мамнун.

- 20 гектар ер олиб фермерликни ихтиёр этдим, - дейди отахон. - Ишлаб топилган маблағ ҳисобидан мактабнинг аълочи ва жамоатчи ўқувчиларига стипендия бераяпман. Шунингдек, дарсларни намунали ўтган муаллимлардан икки нафарига ўтган ўқув йили якунида 5 минг сўм мукофот берилди. Янги ўқув йилида мактаб учун фермер хўжалиги ҳисобидан 30 минг сўмлик дарсликлар олиб берилди.

Бобонинг етти фарзанди жамиятимизга мос мутахассислар бўлиб етишди. Уларнинг ҳар қайсиси ҳаётда ўз ўринларини топишган.

- Отамиз билан фахрланамиз, - дейди фарзанди Ҳусанжон. - Негаки, савобли иш қилиб эл дуосини олишдан ҳам улуғроқ иш йўқ.

Касаба уюшмаларида ҳисобот-сайлов конференциялари

МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИ

Қаерда ва нега бузилмоқда?

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилишда тармоқ касаба уюшмаси ва унинг таркибий бўлинмалари муайян тажриба тўпладилар. Ҳозирда вилоят бўйича аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш максадида катор тадбирлар тузиб амалга оширилмоқда. Кейинги вактларда кундузги шифохоналар сони кўпайтирилди. Кўп жойларда барча санитария меъёрларига жавоб берадиган қишлоқ шифокорлик шохобчалари ташкил этилди.

Касаба уюшмалари фаолияти кенг қамровли бўлиб, у меҳнаткашларни иҳтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот, муассасаларда меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлигини таъминлаш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш сингари қатор муҳим вазифаларни ўз ичига олади.

Вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, тармоқ ходимлари, талабаларнинг меҳнат қилиш, билим олиш ҳуқуқлари кафолатини таъминлаш мақсадида ҳар йили икки томонлама битим тузиб келмоқдалар. Уларда бозор шароити ҳисобга олиниб турли имтиёзлар, моддий қўллаб-қувватлаш учун асослар яратилган. Ягона тариф жадвали асосида меҳнатга ҳақ тўлаш, қўшимча ва устама ҳақлар, зарарли шароитда ишлаётган ходимларга имтиёзлар, ўн беш фоизли рағбатлантириш маблағлари, қишлоқда меҳнат қилаётган соҳа ходимларига коммунал ва бошқа хизматлар учун имтиёзлар киритилган.

Бироқ, фаолиятда ютуқлар билан бирга қатор камчиликлар мавжуд. Масалан, республика бюджети ҳисобидан иш ҳақи жамғармаси орқали 15 фоиз миқдорида моддий рағбатлантириш жамғармаси тузилган эди. Аммо кўпгина соғлиқни сақлаш муассасаларида бу жамғармадан лозим фоиз маблағ тўланмаяпти. Масалан, Зангиота туманида бу тўлов сметага 5.6 фоиз, Ангрен шаҳрида 13 фоиз, Бекобод туманида 2.9 фоиз, Янгийўл туманида 6.1 фоиз, Бўкада 4.9 фоиз, Юқори Чирчиқ туманида 12.3 фоиз қилиб режалаштирилган бўлса-да улар ҳам тўлиқ тўланмаяпти.

Ҳисобот даврида Чирчиқ, Ангрен, Бекобод шаҳар соғлиқни сақлаш муассасалари, Оҳангарон, Қибрай, Ўрта Чирчиқ, Зангиота, Тошкент туманлари марказий шифохоналари ва унга қарашли қуйи ташкилотларда ойлик маошлар ўз вақтида берилмаяпти. Айрим жойларда разрядларни пасайтириб нотўғри ҳақ тўлаш ҳоллари юз бермоқда. Касаба уюшма қўмиталари эса бундай адолатсизликка қарши кескин курашиш ўрнига муросасозлик қилмоқдалар.

- Шу йилнинг бошида жамоа шартномаларининг бажарилиши текширилди, - дейди ҳисобот-сайлов конференциясида маъруза қилган Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитасининг раиси М.Йўлдошева, - маълум бўлдики, қатор жойларда иш ҳақлари белгиланган муддатларда тўланмаяпти. Зарарли жойларда ишловчиларга таъминот талаб даражасида эмас. Шунингдек, махсус кийим-бош, якка ҳимоя воситалари билан таъминлашда камчиликлар бор.

Маърузачи ва сўзга чиққан нотиқлар жойлардаги илғор тажрибалар ва уларни оммалаштириш ҳақида ҳам кенг тўхталдилар.

Жамоа шартномаларида хусусий шифокорлик фаолиятини ташкил этиш, маблағ қидириб топишнинг қатор усуллари таъкидланган. Бу борада анча ишлар қилинди. Янгийўл туман касаба уюшма қўмитаси ва туман марказий шифохонаси бу йўналишда ташаббускорлик кўрсатмоқда. «Гулбаҳор» поликлиникаси ходимлари ишдан ажралмаган ҳолда диспансерлик даволашни ўтказиб келмоқда. Жойларда санитария-гигиена шароитини яхшилаш, оғир қўл меҳнатини талаб қилувчи жараёнларни техника зиммасига юклаш, меҳнат муҳофазасига қатъий риоя қилиш масалаларига эътибор кучайтирилмоқда. Ўтган ҳисобот даврида шу мақсадлар учун 12 миллион сўмдан кўп маблағ сарфланди. Вилоят касаба уюшмалари барча соғлиқни сақлаш муассасаларида 500га яқин меҳнат муҳофазаси бўйича назоратчилар фаол ишламоқдалар. Уларнинг кўпчилиги қабул қилинган дастур асосида ўқимоқдалар ва малакаларини оширмоқдалар.

Инсонпарвар, демократик ҳуқуқий жамият қуриш жараёнида энг аввало ҳар бир ходимнинг саводлилиги, ҳуқуқий билимдонлиги муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ўқувлар ташкил этилмоқда. Чунки касаба уюшма ходими, фаоллари қонун-қоидаларни қанчалик яхши билсалар, меҳнат кишисини шунчалик яхши ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қила оладилар. Бу йўналишда ҳам маълум тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин ҳамма жойда иш бирдек олиб борилаяпти, деб бўлмайди.

Тармоқ касаба уюшма қўмитасида ижтимоий ҳимоянинг бир тури ҳисобланган меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларини соғломлантириш, дам олишини ташкил этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳисобот даврида икки ярим мингдан кўп киши имтиёзли йўлланмалар билан санаторий-профилакторийларда соғломлантирилди. Шунингдек, санаторийларга, пансионатларга, дам олиш уйларига кўплаб йўлланмалар ажратишга ҳаракат қилинди. Шу йилнинг ўтган даврида 310 та йўлланма ажратилди. Шу жумладан, 50 нафарга яқин талабага йўлланмалар бепул берилди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, даволаш-профилактика ишларига, касб касалликлари билан оғриган ходимларга шарт-шароитлар яратиш масаласида эътибор кучайди. Лекин баъзи туман ва шаҳарларда тадбирлар ниҳоясига етказилмади. Даволаш муассасаларида диспансер кўригидан ўтказиш талабдан анча орқада. Юқори Чирчиқ, Паркент, Бўстонлиқ, Оҳангарон, Тошкент туманлари, Бекобод шаҳрида аҳвол яхши эмас. Кўпгина соғлиқни сақлаш муассасаларида ваколатли шифокор ва ҳамшира ўринлари киритилмаган. Ходимларнинг касалланиш сабаблари етарли таҳлил қилинмайди. Диспансер ҳисоби олиб борилмайди.

Маъруза юзасидан сўзга чиққан Оҳангарон туман марказий шифохонаси бош шифокори А.Мирсидиқов, Янгийўл шаҳар ҳудудий тиббий бирлашмаси бош шифокори Н.Абдуллаев, Тошкент вилояти «Дори-дармон» бирлашган акционерлик жамияти раҳбари Ш.Пўлатов, Тошкент электротиббиёт техникуми бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Н.Турсунбоев, Янгийўл туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси А.Аббаров ва бошқалар асосий эътиборни камчиликларнинг сабаблари ва уларни бартараф этишга қаратдилар.

Будир ПЎЛАТОВ.

«Урганч Озуқамаш» ҳиссадорлик жамияти беш турдаги ўт ўриш машиналарини ишлаб чиқаради. Улар чорвадорларга маъқул келмоқда. Тадбиркорлик билан иш юритаётган жамият буюртма асосида чигитни плёнка остига экадиган сеялка, турли плуглар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйган.

Айни кунда жамият «Кейс», «Класс», «Ленкен» фирмалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бундан кўзланган мақсад шуки, эндиликда «Кейс» комбайнлари учун ҳам бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

Суратда: Ҳиссадорлик жамияти токари Сергей Зимников.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«Ишонч» бонг уради

ХОМТАЛАШ

Маънавият ҳақида гапирар эканмиз, беихтиёр кўз ўнгимизда қишлоқларимизда катта маблағ эвазига бунёд этилган замонавий клуб, кутубхоналар, кинотеатрлар гавдаланади. Хўш, бугунги кунда биз тилга олаётган масканлар кандай хизмат кўрсатяпти?

Яқинда Қарши туманида бўлдик. Туман маркази Бешкент шаҳри кейинги икки-уч йилда тубдан ўзгарди. Мустақиллик майдони барпо этилиб, киши дилига завқ бағишлайдиган фавворалар ишлай бошлади. Ишдан сўнг шаҳар аҳолиси болачақаси билан шу майдонга тўпланиб, кечки сайрни мароқли ўтказишга ҳаракат қилади. Лекин кўнгилни хира қиладиган бир жиҳати бор.

Шаҳардан унча узоқ бўлмаган Хитойкенти маҳалласида 2,5 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Табиийки, ҳар бирининг ўзига яраша ташвиши бор. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Очил Бозоровнинг елиб-югуриши туфайли ҳашар йўли билан маҳалланинг маъмурий идораси қурилди. Бироқ, қишлоқнинг ёзги клубидаги ўриндиқлар олиб ташлангани кўпчиликда ҳақли эътироз туғдирди. Бу иш нима учун, қандай мақсадда қилингани кейинроқ маълум бўлди.

Шу ўринда яхшиси маҳалла фуқаролар йиғини томонидан туман ҳокимлигига ёзилган аризани ҳавола этамиз:

«...Хитойкенти қишлоғидаги ёзги кинотеатр аҳоли учун яқин ва ҳар томонлама қулай эди. Лекин клуб жиҳозлари қаерга ва нима учун олиб кетилди? Билишимизча, Қарши туман ҳокимлиги томонидан у Тўра Бўриевга хусусийлаштириб берилган эмиш. Илтимосимиз - клуб ўз фаолиятини давом эттирса...»

Хўш, шундан сўнг маҳалла аҳли жўяли жавоб олдими? Йўқ. Кишиларни қаноатлантирадиган ижобий жавоб бўлмагач, қишлоқ аҳли яна турли ташкилотларга мурожаат қилишдан чарчамади. Аммо талаб қондирилмади.

Биз ҳақиқий аҳвол билан танишиш учун у ерга бордик. Лекин ёзги клубга қандай ўтишни билмадик. Негаки, бино атрофини шу ерда яшовчилар ўзлари хоҳлаганларича хомталаш қилиб, бўлиб олган эканлар.

Исмоил Бозоров номли кўча, 31-уйда истиқомат қилаётган Ризвон Усмонов ўз ҳовлиси деворини тўғридан-тўғри ёзги клуб биносига тақаб қурганига нима дейсиз? Клуб атрофи харобага айланган. Айтишларича, ушбу бино «Барлос» фирмаси ихтиёрига ўтказиб берилган экан. Хўш, хусусийлаштирилган клуб биноси энди қай мақсадга хизмат қилади? Буни ҳеч ким тушунтириб беролмади.

Қашқадарё вилоят ҳокимлигининг 1993 йил 22 январдаги Х-18\1 сонли «Маданият ва санъат муассасаларига қарашли бинолардан бошқа мақсадларда фойдаланишни таъқиқлаш ҳамда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини яхшилаш тўғрисида»ги қаорини нахотки туман ҳокимиятидагилар унутишган бўлишса? Агар у хусусийлаштирилган тақдирда ҳам маданий тадбирлар ўтказишга хизмат қилиши керак эмасмиди? Бу масъулиятсизликнинг «ташаббускори» ким?

Болалар - келажагимиз, деймиз. Лекин уларга ҳам маҳаллада қулай шароитлар яратилмаган. Бир пайтлар ўйингоҳ бўлган каттагина майдонни шу ерлик аҳоли ўзи билганича бўлиб олиб турли кўчатлар экишган. Кичкинтойларнинг ўйнашлари учун эса жой йўқ. Баъзилар ўзи билганича қўшимча қурилиш ишларини олиб боришяпти. Кимдир молхона қурган бўлса, яна биров товуқхона тиклаш билан банд. Бу ҳукуматимизнинг «Ер тўғрисида»ги Қонунига зид эмасми? Хуллас, маҳаллада ким нима хоҳласа шуни қилиб, ободончиликка путур етказмоқда. Биргина маҳалла оқсоқоли югургани билан иш олга силжимайди. Ҳамма бирдек иштирок этган иш баракали бўлади. Бунинг учун эса ҳамжиҳатлик керак.

Шу ерлик аҳоли клубнинг харобага айланаётганлиги хусусида туман ҳокимлигига қуюниб ёзишмоқда. Лекин бирор ижобий натижа чиқмаяпти. Энди клуб, унинг ён атрофи хомталаш бўлиб кетаверадими?

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

OLAMDA NIMA GAP

Х А Н О Й. Сингапурда Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари уюшмасига /АСЕАН/ аъзо давлатлар молия вазирларининг учрашуви бошланди.

Анжуман иштирокчилари қарийб бир ҳафта давомида ўтган йили АСЕАН мамлакатлари раҳбарларининг олтинчи саммитида молиявий соҳа бўйича қабул қилинган қарорларнинг бажаралиши билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашади. Шунингдек, уюшма мамлакатлари ўртасида ягона валютани жорий этиш масаласи ҳам муҳокама қилинади. Мутахассислар ягона валюта минтақадаги молиявий инқироз асоратларини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этажагини таъкидламоқда.

* * *

С Я Н Г А Н. *Тайван маъмурияти зилзиладан талофат кўрган аҳолини табиий офат юз берган ҳудудларда юқумли касалликлар тарқалиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Шу сабаб, айни пайтда вақтинчалик турар-жойларда яшаётган аҳоли лагерларида махсус тиббий текширув марказлари ташкил қилинди.*

Мутахассислар Тайванда ҳамон турли кучланишда зилзилалар юз бераётганини қайд этмоқда. Маълумотларга қараганда, оролда шу кунгача етти мингдан ортиқ марта ер силкиниши қайд этилган. Бунинг оқибатида эса юз мингдан зиёд одам бошпанасиз қолди.

* * *

С И Д Н Е Й. Янги Зеландияда 27 ноябр куни ҳукумат органларига сайлов бўлиб ўтади. Бу ҳақда мамлакат бош вазири Женни Шипли баёнот берди.

Кузатувчилар навбатдаги сайловда ҳам ҳозир ҳукумат тепасида турган Миллий партия ғолиб келиши мумкинлигини айтмоқда. Чунки яқинда бу ерда Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг саммити муваффақиятли ўтгани ҳамда мамлакат ҳарбийларининг Шарқий Тимордаги халқаро тинчликни сақлаш кучлари сафида самарали хизмат кўрсатаётгани Миллий партия шуҳратини янада оширди.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда 2,4 миллион сайловчи рўйхатга олинган. Ушбу мамлакат қонунларига кўра, сайлаш ҳуқуқини қўлга киритадиган ёшга етган ҳар бир фуқаро сайловларда иштирок этишга мажбур. Акс ҳолда 100 АҚШ долларигача жарима тўлаши мумкин.

* * *

Н Ь Ю - Й О Р К. *Индонезия ҳукумат армияси Шарқий Тимор мустақиллигига қарши бўлган гуруҳларни қўллаб-қувватлашдан тўхтатмас экан, АҚШ расмий Жакартага берилажак барча турдаги ёрдамларни бекор қилади, деб баёнот берди давлат котиби Мадлен Олбрайт. У Шарқий Тимор мустақиллиги инқилобий фронтининг собиқ раҳбари Жозе Алехандре Гужмау билан учрашиб, шу масала юзасидан фикр алмашди.*

М.Олбрайт. Индонезия ҳукуматини қочқинларни уйига қайтариш борасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашга даъват қилди. Шарқий Тиморда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича барча масалалар ижобий ҳал қилингандагина, АҚШ билан Индонезия ўртасидаги алоқалар илгариги ҳолига қайтиши мумкин, деди АҚШ давлат котиби.

* * *

Б Е Р Л И Н. Германия канцлери Герҳард Шрёдер ва Франция Бош вазири Лионел Жоспен Европа Иттифоқи сафини қитъа шарқидаги мамлакатлар ҳисобига тезроқ кенгайтириш лозимлиги ҳақида баёнот берди.

Берлинда ўтказилаётган немис ва француз маданияти кунларида иштирок этган икки мамлакат ҳукумат раҳбарлари ўзаро музокара ўтказиб, ЕИнинг кенгайиши қитъада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этажагини таъкидлади. Шунингдек, улар ГФР билан Франция ўртасида тобора ривожланиб бораётган алоқалар Ягона Европани вужудга келтиришга катта ёрдам беражагини айтди ва икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш лозимлигини қайд этди.

* * *

П А Р И Ж. *БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида иштирок этиб қайтган Фаластин Мухторияти раҳбари Ёсир Арафот Францияга ташриф буюрди. У мазкур мамлакат Президенти Жак Ширак билан учрашиб, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш, Исроил билан Фаластин ўртасида имзоланган «Уай-Плантейшн» битимининг бажарилиши ҳамда мустақил Фаластин давлати тузиш масалалари юзасидан фикр алмашди.*

Учрашувда Ж.Ширак Франция ҳукумати мустақил Фаластин давлатини тузиш ғояси ҳамда фаластинликлар раҳбарининг минтақада тинчликни қарор топтириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Бу борада Франция ўз ёрдамини аямайди, деди у. Ё.Арафот ҳам Яқин Шарқ можароларини барқарорлаштиришда Европа мамлакатлари, хусусан, Франция муҳим ўрин тутишига ишонч билдирди.

(ЎзА)

«Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги олдидан

ХАЛҚИМИЗНИНГ УЙҒОҚ ХОТИРАСИ

22 октябр куни мамлакатимиз бўйлаб мустақил Ватанимизни макон тутган барча халқлар учун миллат бирлиги, маънавий уйғониш ва миллий ғурур, ўз-ўзини англаш рамзи бўлиб қолган «Алпомиш» достонининг 1000 йиллик юбилейи кенг нишонланади. Ушбу сана арафасида юбилей тантаналарини ўтказиш ташкилий қўмитасининг аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг директори, фольклоршунос олим Тўра МИРЗАЕВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

- «Алпомиш» достонининг 1000 йиллик юбилейи нафақат мамлакатимизда, балки ЮНЕСКО тадбирлари доирасида бутун жаҳонда байрам қилинади. Зеро, минг йил давомида халқ оғзидан тушмай келаётган бошқа бундай санъат дурдонасини дунё аҳли кам кўрган, десак мубоғалаға бўлмайди. Алпомиш халқимизнинг уйғоқ хотираси бўлиб, асрлар мобайнида авлодларга мардлик ва олижаноблик, ёр ва диёрга садоқатдан сабоқ бериб келмоқда. Бу жуда кам учрайдиган, ноёб ҳодиса.

ХХ аср жаҳон халқларини юксак тараққиёт босқичига олиб чиқди. Лекин афсуски, цивилизациянинг ривожланиши анъанавий санъат турларидан айримларининг сусайишига сабаб ҳам бўлди. Жумладан, халқ орасида жонли ижро этилган достончилик анъаналари бугунги замоннинг тезкор руҳига мослашаолмай қолди. Бироқ достонларда бўй кўрсатган улуғвор руҳ, олижаноб ғоялар ўлмайди. Улар илгари халқимизга қандай хизмат қилган бўлса, бундан кейин ҳам шундай хизмат қилаверади. Фақат, бунинг учун достонларга бўлган муносабатни ўзгартиришимиз, уларнинг бундан кейин ҳам элимизга хизмат қилиши учун шароит яратишимиз лозим.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, ўтмиш меросни асраб-авайлаш, маънавият хазинасини бугунги замонга хизмат қилдириш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» достонини яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори достонда куйланган эзгу ғояларнинг халқимиз дилида янада теранроқ томир отиши учун катта имкониятлар очди. Эл-юрт бирлиги, Ватан дахлсизлиги, оила хотиржамлигини улуғ бахт деб билган боболаримиз яратган «Алпомиш»яна ўз халқига хизмат қилмоқда.

Юбилей доирасида Термиз шаҳрида театрлаштирилган байрам томошалари бўлиб ўтади. Шунингдек, республикамизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам ўзига хос Алпомиш тўйлари ўтказилади. Шу куни бахшилар «Алпомиш» достонини қўлда дўмбира билан қадим вақтларда бўлганидек, минглаб томошабинлар даврасида куйлайди. Достон асосида яратилган саҳна кўринишлари намойиш этилади. Алпомиш келбатли алп йигитлар бел олишади. Алпомишнинг юртга қайтганини эл кўради.

Шунингдек, Термизда «Алпомиш» достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти» мавзуида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтади. Унда Япония, Хитой, Германия, Туркия, Миср, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Озарбойжон ҳамда Россия, Бошқирдистон, Татаристон, Тоғли Олтойдан йирик фольклоршунос олимлар қатнашиши, анжуманга тақдим қилинган маърузалар матни китоб ҳолида чоп этилиши режалаштирилган.

Лекин Алпомишнинг юртга қайтиши бир кунлик байрам тадбирлари билан кифояланмайди. Олим ва ноширларимизнинг саъй-ҳаракати билан достон ҳар бир хонадонга китоб ҳолида кириб борадиган бўлди. 1928 йили Фозил Йўлдош ўғлидан Ҳоди Зариф раҳбарлигида Маҳмуд Зарифов томонидан ёзиб олинган достон матни илк бор мамлакатимизда тўлиқ ҳолида чоп этилди. 1939 йили достон қисқартишлар билан чоп этилганини, 1957-58 йилларда эса у мафкуравий таҳрирдан ўтказилганини эътиборга олсак, «Алпомиш» фақат мустақиллик йилларидагина илк бор тўлиқ ҳолда халқ қўлига етиб келди.

Шунингдек, достоннинг тўлиқ академик нашри тайёрланди. Қорақалпоқ тилидаги «Алпамыс» достони ҳам мухлислари қўлига тегди. Достоннинг Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбулбул ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Берди бахшилар ижро этган вариантлардаги бир нечта танланма тўплами ҳам чоп этилди.

1937 йили «Алпомиш»ни қизилтепалик бахши Саидмурод Пано ўғлидан ўн уч яшарлик мактаб ўқувчиси Шамси Муродов ёзиб олган экан. Халқнинг дилидан чиққан ва унинг орзу-армонларини ифодалаган достонга халқнинг мурғак фарзандининг бундай муҳаббатли муносабати ҳар қандай таҳсинга лойиқдир. Достоннинг ушбу варианти ҳам ўқувчилар қўлига тегди.

Айни чоғда достоннинг илмий ва ижодий қиммати ҳақида баҳс юритадиган иккита мақолалар тўплами ҳам босмага топширилган. Мазкур нашрлар «Алпомиш» достони борасидаги тадқиқотлар бундан кейин янада авж олиши учун мустаҳкам замин бўлади, дейиш мумкин.

Достон бундан буён ҳам аждодлар жасоратининг тимсоли сифатида миллатимизнинг бугуни ва келажагига камарбаста бўлиб хизмат қилаверади.

Мусулмон НАМОЗ ёзиб олди (ЎзА)

Эл ардоқлаган кишилар

ОВУЛ ОҚСОҚОЛИ

Сиз ҳеч «Боймурот»да бўлганмисиз? Бу ердаги бағри кенг, очиқ кўнгил, таниш одамлар билан суҳбат қурганмисиз?.. Унда шошилинг.

Чўл бағрига қора тасмадек сингиб кетган равон асфальт йўл сизни барханлар оша олға етаклайди. Йўлнинг ҳар икки чеккаси поёнсиз қум уюмлари, сарғайган ўт, кўмкўк саксовул, қуёнсуяк ва юлғунлар. Ҳадемай мавжланиб устида оқ чағалайлар чарх ураётган Айдар кўли қирғоқлари ҳам ортда қолади...

Ниҳоят, кўз ўнгингизда оқ ва кўкдан либос қийган мўъжазгина овул намоён бўлади: Боймурот!

Ўринбой Алжанов мана, йигирма йилдирки, шу ерда фуқаролар йиғини оқсоқоли. Қирқ тўрт йилдирки, чўл кезади. Алмати давлат педагогика институтини битиргач, бошқалардек, «иссиқ жой» излаб дайдиб кетмади. Овулга қайтди. Ўн олти йил бор билимини, меҳрини мактабга - болаларга берди. Кейин уни хўжалик аъзолари йиғин оқсоқоли қилиб сайлашди. Эндиликда 3834 нафар аҳолининг қувонч ва ташвишлари, тўй-маъракалари усиз ўтмайди. Овул ва фермалардаги ҳар бир уй, маданий бинолар, 5 та мактаб, 2 та болалар боғчаси, участка шифохонаси, икки қаватли маиший хизмат мажмуи, шинам савдо расталари унинг кўз ўнгида қад ростлади. Бу биноларга қўйилган ҳар бир ғиштда Ўринбой аканинг бармоқ излари бор, албатта.

Овул ва фирмалардаги 1011 ўқувчи тарбияланаётган ўқув масканларида, хонадонларда бўлиб, одамларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиш Ўринбой аканинг кундалик ишига айланган. Шунинг учунми, бу ерда шикоятлар деярли юқорига чиқмайди. Прокурор ҳам, суд ҳам фуқаролар йиғинида барча масалаларни ҳал этишади.

Мустақилликнинг 8 йиллик байрами арафасида боймуротлик чорвадорлар қарийб 30 минг қўзи ўстиришга қолдиришиб яйловни тўлдиришган бўлса, Ўринбой ака уларнинг қалбини тўлдиришга интилди. Ночор деб топилган 246 оилага 2 миллион 595 минг 793 сўмлик моддий ёрдам берилди. Оналик ва болалик муҳофазаси алоҳида муҳим иш деб қаралди, 600 нафар болали аёллар эътиборга олинди. Шифохона оналик ва болалик бўлимига 34 минг сўм пул ажратилди. Хўжалик ҳам катта ёрдам кўрсатди.

Қам таъминланган 75 нафар аёлга болаларини икки ёшгача тарбиялаш учун 898 минг 185 сўм тўланди. Овулдаги 2 нафар якка-ёлғиз қария доимо эл ардоғида. Ҳар бир байрам, ҳатто тўй кунлари ҳам уларсиз ўтмайди. Совға-салом, тансиқ таом улашишади. Биргина шу йилнинг ўзида 19 минг сўмлик ёрдам кўрсатишди. Айниқса, мустақиллик байрами куни ҳар бир маҳаллада қўй сўйилди. Хайрия тадбирларига 120 минг сўм пул сарфланди.

Овул ва фирмаларда насослар ёрдамида ер бағридан чиқарилган сув асло бекорга қум бағрига сингиб кетмайди. Ҳар бир ҳовлида дарахт кўкартириш, кўкатзорлар яратиш аллақачон анъанага айланган.

Ўринбой ака янгиликка, айниқса, мусиқага ўч. У бундан бир неча йил илгари ташкил этган «Қизилқум» эстрада дастаси аллақачон эл оғзига тушди. Ҳатто, республика телевидениесида ҳам бир неча бор чиқиш қилди.

Хўжалик Абай номи билан аталади. Овул марказида, мухташам мажмуада халқ оқинининг улуғвор суврати акс эттирилган. Ўринбой ака ҳар гал шу ерга келганида шоирнинг доно нигоҳида мамнуният ва шодлик ифодасини кўради. Бу унинг кучига куч бағишлайди. «Умрим беҳуда ўтмабди. Эл ташвишида яшадим», деб пичирлайди.

У эрта-индин олтмиш ёшни қаршилайди. Бу тўй, шубҳасиз, овулда катта тантанага айланиб кетади. «Элни ардоқлаганни - эл ардоқлайди», деб бежизга айтишмайди-ку, ахир.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури - амалда

ТАЛАБАЛАР УЧУН МАХСУС КУРСЛАР

Кадрлаш тайёрлаш Миллий дастурида талаба ёшларга чуқур билим бериш, мутахассисликларни пухта эгаллаш олий таълим олдида турган энг муҳим вазифалардан бири эканлиги кўрсатиб ўтилган. Бундай долзарб таълимий жараёнларни амалга оширишда олий ўқув юртлари билан академик институтлар ўртасидаги яқин илмий алоқалар яхши самаралар бераётир.

Ўзбекистон Фанлар академияси бу борада ташаббус кўрсатиб, республикамиздаги талайгина олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқасини боғлади. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бўйича ишлаб чиқилган истиқбол режасида академияга қарашли аксарият институт ўз соҳаларига қараб тегишли олий ўқув юртларига боғлаб қўйилди.

-Ўзаро келишувга мувофиқ академия институтларининг етакчи олимлари ўзларига бириктирилган олий ўқув юртида илм-фаннинг муҳим йўналишлари бўйича талаба ёшлар билан машғулотлар олиб боришга киришдилар, - дейди академиянинг илмий кадрлар бошқармаси бошлиғи Сирожиддин Каримов. - Масалан, Электроника институти бир неча олими янги ўқув йилида Тошкент автомобил йўллари, Тошкент Давлат университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтларида лекциялар ўқийди.

Тошкент автомобил йўллари институти талабалари учун махсус уюштириладиган «Электроника ва электроника асослари» курси машғулотларини Электроника институтининг етакчи олими Н.Ҳамидов олиб борадиган бўлди. Энергетика ва автоматика институти олимлари томонидан турли мавзулардаги туркум лекциялар ҳам тайёрланди. Бу хил маърузалар Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги институти талабаларига ҳам мўлжалланди.

Янги ўқув йилида Қарши Давлат университетида «Астрофизика» курсидан махсус машғулотлар уюштирилади. Уни ўқишни академиянинг Астрономия институтининг олими И.Сатторов ўз зиммасига олди. Тошкент Давлат университетида ташкил этилаётган нобарқарор объектлар физикаси махсус курси машғулотларини уюштириш Астрономия институтининг олими М. Зокировга топширилди.

Шунингдек, астроном олимлар «Умумий астрономия», «Галактик астрономия ва Галактика»дан ташқи астрономия курслари машғулотлари лекцияларини ҳам тайёрлаб қўйдилар.

ФИДОЙИ ЁШЛАР

Бу йилги мўл ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишда фидокор ёшларимизнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Юртимиз бойлигини ошириш - халқимиз фаровонлигини юксалтириш эканлигини яхши тушунган Бўка туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигининг 34-бригадаси асосан навқирон ёшлардан ташқил топган. Уларнинг ғайрат-шижоати ила 23 гектар ерга пахта уруғи экилган эди. Ҳосил чўғи кутилганидан-да зиёдроқ бўлганлигига тинимсиз меҳнат орқали эришдилар. Ўз вақтида агротехника қоидаларига риоя қилиниб, ғўза парваришини рисоладагидек уддалашди.

Ҳозир пахта далаларида йиғим-терим авжида. Лўппи-лўппи очилган чаноқлардаги «оқ олтин» дурдоналари Дилмурод Турдибоев бошлиқ бригада аъзоларини чиндан-да қувонтириб юборди. Уларнинг руҳан кўтаринкилик кайфиятини қўллаб-қувватлашда жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитасининг раиси Муҳаббат Сарибоева ҳам тез-тез улар ҳузурида бўлиб турибди.

Ҳ.АВВАЛОВ олган сурат.

Газета материаллари изидан

«МЕН ДАРДИМНИ КИМГА АЙТАМАН?»

Маълумки, «Ишонч»нинг шу йил 28 май сонида «Қонунни бузаётганлар кимлар?» рукни остида юқоридаги сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда Бағдод туманилик Аъзамжон Машраповга тегишли отамерос ҳовли-жой унинг жияни томонидан қалбаки ҳужжатлар асосида сотиб юборилганлиги натижасида ушбу можаро бир ярим йилдан ортиқ муддат давомида Бағдод, Риштон, Учкўприк, ҳатто вилоят судларида кўриб чиқилганлигига қарамай адолат қарор топмаганлиги баён этилган эди. Афсуски, мақола чоп этилган куннинг эртасига-29 май куни мазкур фуқаролик ишини қайта кўрган Учкўприк тумани суди (суд раиси Н.Ёқубжонов) даъвогарларнинг ҳақли талабини инобатга олмай жавобгарлар фойдасига ҳал қилув қарорини чиқарди. Мана, орадан уч ярим ойдан кўп вақт ўтганлигига қарамай, «Ёзса ёзаверади-да» қабилида йўл тутган мутасадди раҳбарлар мақолага нисбатан муносабат билдиришни ўзларига эп кўрмаяптилар.

Матбуотда эълон қилинган ҳар бир танқидий мақола жойларда атрофлича муҳокама қилиниши ва кўрилган чора-тадбирлар хусусида таҳририятга маълумот берилиши қонуний тус олиши лозим.

Юқоридаги мақола юзасидан Фарғона вилоят суди ва прокуратурасидан жавоб кутамиз.

ДАРСЛИКЛАР СОВҒА ҚИЛИНДИ

«Тахметалл» акциядорлик жамияти (собиқ «Коммунар» заводи) ходимларининг оилавий бюджетига болаларни янги ўқув йилига тайёрлаш харажатлари таъсир қилмади. Корхона раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан заводда меҳнат қилаётган ота-оналарнинг мактабда ўқийдиган болалари учун 100 минг сўмга дарсликлар сотиб олинди.

Машинасозларнинг яхши ташаббусини вилоят марказидаги саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, қўшма корхоналар ва фирмаларнинг кўпчилик жамоалари қўллаб-қувватлади.

«Андижонсут», «Андижонмой» акциядорлик жамиятларининг, 2511-автокорхонанинг, «Холис» саноат-савдо фирмасининг ва бошқа ўнлаб корхоналарнинг жамоалари ички имкониятларидан келиб чиқиб мактаб ёшидаги фарзандларига дарсликлар, кийим-кечак сотиб олиш учун ходимларига маблағ ажратди.

ЖАМҒАРМА ҚЎМАГИ

Узлуксиз таълим тизимини изчил амалга оширишда малакали педагог кадрлар катта ўрин тутади. Бу муҳим маърифий тадбирнинг самарали бўлиши мақсадида дастур ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тайёрланган мазкур йўриқнома бўйича республикамизда кўплаб педагог кадрлар тайёрлашга ҳам киришилди. Бакалавриятнинг муҳандис-педагогик йўналиши бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига яқин йиллар ичида 50 мингдан ортиқ малакали педагоглар етказиб берилади.

Шу йўл билан республикамиздаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини педагог ва муҳандис-педагоглар билан ҳам таъминлашга эришилади. Бунинг учун Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети каби таянч олий таълим муассасалари ташкил этилди.

Бундай маърифий режаларни амалга оширишда «Устоз» жамғармаси яқиндан ёрдам бермоқда. Жамғарманинг Тошкент ахборот-ресурс маркази ёрдами билан кўплаб педагоглар қайта тайёргарликдан ўтмоқда.

Қатағон қурбонлари

ГИРДОБ

Алихонтўранинг эсдаликларидан шу нарса маълумки, у киши Совет давлатидан ҳеч қандай моддий ёрдам олмаганлар. Шу ерда у кишининг сўзларидан бир парча келтирмоқчимиз: «Ўта маънавий қашшоқ давлатда халқ, ёшлар нима ўрганади. Маънавиятни билмаган, урф-одатлар, динга ишонмаган, худога имон келтирмаган давлат тизими - тарихимиз тош асридаги одамлар ҳаётини эслатади».

Биз Алихонтўранинг шогирдларидан бири 91 ёшли Абдулазиз қори Маҳмудов билан учрашганимизда у киши деди: «Мен Алихонтўра билан 1936 йили танишганман. Ўзим Қашқарнинг Чо Чак шаҳрига 1929 йиллар борганман. 1944 йилдан Ғулжадаги инқилобдан кейин Алихонтўра Чо Чак шаҳрига келиб, шаҳар диний назоратига мени котиб этиб ишга тайинлаб кетдилар. У киши ўз даврининг нотиқларидан эди. Араб, форс, туркий тилларнинг ҳар бир шева-ю, лаҳжасида гапира олардилар. Айниқса, она тилларининг ҳали биз билмаган, тагига етолмаган беадад имкониятларидан фойдаланар эдилар. Нутқларини эшитиш учун кўплаб одамлар йиғиларди. Салоҳиятли нотиқ маърузасини одамлар болохона, дарахтлар, симёғочларга чиқиб тинглардилар. Тошкентга урушдан кейин, бизни таклиф қилишганда келдик ва мен доимо устозим билан учрашиб турдим. Зиёвутдин қори - ўша пайтдаги Ўрта Осиё ва Қозоғистон диний ишлари раиси доимо устозимдан хабар олиб турардилар. Хорижга кетаётганларида ва қайтиб келганларида, албатта, устозим олдиларига келиб, у кишининг дуои фотиҳасини олардилар. Мен устозим туфайли барчага танилиб, обрў орттирдим».

Алихонтўранинг яна бир шогирди Сирожиддин ҳожи Жаҳонгиров Соғунийни эслаб: «Устозим Алихонтўра худди ўз отамдек эди. Мени ўқитиб, тарбия бериб, диний ва дунёвий илмлардан чуқур билим берганликлари сабабли, Худога шукур, кам бўлмадим. Жуда саховатли киши эдилар. «Иккита чопоним бўлса, биттасини, унда ҳам янгироғини бировга кийгизсам» деб кўп айтардилар. Қарз сўраб келганларни ҳеч қачон қуруқ қайтармаганлар. Раҳмдил бўлиб, кек сақламас эдилар. «Тошкентда ўтган 30 йиллик умри мобайнида сиёсий ишлардан мажбурий четлаштирилган бўлса ҳам, у киши илмий, ижодий ва ижтимоий фаолиятни соҳибқадамлик билан давом эттирди. Тарихимизга оид бир қанча асарларни ўзбек тилига таржима қилди. Яъни, «Темур тузуклари», Аҳмад Донишнинг «Наводир улвақое», жаҳонга танилган шарқшунос олим Ҳерман Вамберининг «Бухоро ёки Мовароуннаҳр тарихи» асарини, Дарвиш Али Чангийнинг «Мусиқа рисоласи»ни ўзбек тилига ўгирдилар. Ўзлари «Девони Соғдий» шеърий тўплами, «Тарихи Муҳаммадия» («Муҳаммад тарихи»), «Шифо ул-илал» («Касалликлар давоси») каби ўлмас асарларни ёзганлар. Бу асарлар нашр қилинган. Нашрда улкан «Туркистон қайғуси» асари ҳам бор. Ул зот умрининг сўнгги кунларигача устозлик фаолиятини тўхтатмаганлар. Қизил мафкурага хизматкор бўлган ўша давр қонунларининг таъқибига қарамай, пиру устозларига берган ваъдаларига вафодорлик кўрсатиб, диний, шунингдек, дунёвий билимларни ўқитишни доимо кенг йўлга қўйганлар. Шогирд танламаганлар. Шунинг учун Алихонтўра қўлларида бир вақтнинг ўзида ҳали ҳарф танимаган талаба билан бир қари сафида Алихонтўранинг шогирдлари ҳам бор. Агар Советлар Соғунийга тўла инсоний эркинлик берганида эди, у киши кўплаб асарлар ёзишлари мумкин эди.

Республикамиз ҳамда Тошкент ҳудудларида жойлашган тарихий меъморчилик обидалари ва қадимги қўлёзмаларни сақлаб қолишда доимо жонкуярлик қилган Соғуний номида мактаб, маҳалла ва кўча бор. У киши ниҳоятда камтар бўлганлар. Тошкентга келгач, не-не кошоналар таклиф этилса-да, кичик бир ҳовлида яшаганлар. Ота-боболаридан мерос бўлган маънавият, маърифат ҳамда урф-одатларга амал қилиб иш юритган Алихонтўра мустақилликда яшамасалар ҳам, торда, илмли ёки дунёвий фанлар номзоди, доктори каби тингловчилар ҳам таълим олганлар. Оқ фотиҳа олган шогирдлари ўз ватанларига (яъни Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Доғистон ва бошқа мамлакатлар ҳудудларидан келганлар) қайтгач, устозларининг ишини давом эттириб, мактаблар очиб, маърифат тарқата бошладилар. Шу бугунги Ўзбекистон ислом дунёсининг етакчи намоёндалари сифатида Алихонтўранинг шогирдлари ҳам бор.

Эсдаликларида шундай сатрлар бор: «Мен бу дунёга инсонпараст бўлиб келдим ва ҳаётим давомида шунга содиқ бўлиб қолдим».

Коммунистик тизим миллий ёшларнинг кашфиётлари, диний, фалсафий, иқтисодий, тиббиёт, адабиёт соҳаларидаги интилишларини йўққа чиқаришга зўр берди. Аммо Алихонтўра Соғуний фаолияти ҳақида АҚШ, Хитой, Россия, Туркия ва бошқа мамлакатларда асарлар чоп этилган.

Тангри Таоло Алихонтўра Соғуний ҳазратларини Шарқнинг буюк фарзандларига хос фазилат ато қилган эди.

Инсоннинг фундаментал ҳуқуқлари атамасида бир ажойиб тушунчалар мажмуи мавжуд. Бу инсоннинг инсонлигини белгиловчи ҳуқуқлардир, буларсиз эса, одам боласи тилсиз, онгсиз маҳлуққа айланади. Ўз ватанига эга бўлиш, маскан тутиш, ўзгаларга қарам бўлмаслик, виждон эркинлиги ҳуқуқлари шулар жумласидан бўлиб, буларни талаб қилиш руҳини Алихонтўранинг: «Ҳар ўғил ворис бўлур қолғон отанинг молига, қайси миллат устидан бошқалар ҳокимлик қилса, бундан ўлим яхшироқ. Ватанни астойдил севмаганлар мусулмон эмас», каби қалб қўзғатар фикрларидан англаш мумкин.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

ЭРОН ПАРРАНДАСИ

Товуқнинг ватани Осиёнинг жануби, эҳтимол, Ҳиндистондир. Товуқ дастлаб шу ердан шарққа, Хитойгача, кейинроқ Осиёнинг ғарбига, сўнгра Африкага ва Европага тарқалган.

Товуқ Месопотамияда эрамиздан олдинги VII-VI асрларда пайдо бўлган. Греклар товуқни «Эрон паррандаси» дейишган.

Курка товуқнинг узоқ аждоди бўлиб, унинг ватани Марказий Африкадир. Куркани, даставвал Шимолий Американинг маҳаллий аҳолиси хонакилаштирган. Кейинроқ курка Америкадан Европа ва Осиёга келтирилган.

Ғознинг ватани Европа ва Африкадир. Қадимги Мисрда ўтган подшоҳлар ва аслзодаларнинг мақбара деворларида ғозларни тасвирловчи суратлар учрайди. Унда деҳқонларнинг ғозларни бозорга олиб кетаётганликлари, ғознинг боқилаётгани, унинг сиҳда кабоб қилиб пиширилаётгани кўзга ташланиб туради.

Ривоятлардан бирида айтилишича, ғозлар Римни бир замон душманлардан муҳофаза этган. Душман қўшинлари пинҳоний тарзда шаҳарга бостириб келаётганида ғозлар буни сезиб, ғоят безовталанган ва ға-ғалашиб соқчиларни уйғотишган экан.

1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

УСТОЗГА ТАЪЗИМ!

Шарафли касб эгалари доимо эъзозда. Юқори малакали ўқитувчилар Ғазалкент қишлоғидаги 22-ўрта мактабимизда ҳам кўпчиликни ташкил этади. Халқ маорифи аълочиси Олимжон Муҳаммедов, Махсуда Рахимбердиева, Ҳусан Иноғомов...

- Жорий йилдан бошлаб янгича баҳолаш-рейтинг тизими бўйича синов усули ташкил этилди, - дейди мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Жумабой Эрназаров. - Яна бир янгилик - йил бошидан АҚШдан ташриф буюрган уч нафар малакали мутахассис 5-11 синф ўқувчилари билан таржимонсиз инглиз тилидан дарс ўтишмоқда.

Бундан ташқари, вилоят мактаблари бўйича ўтказилаётган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловида икки йилдан буён Саодат Бобоева фахрий иккинчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Яна шуни алоҳида қайд этиш керакки, мазкур йилда ушбу билим масканини битирган 50 нафарга яқин ўқувчилар турли олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртларида ўқишни давом эттирмоқдалар.

Ибратли яна бир жиҳат: маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда туман ИИБ таркибидаги «Балоғатга етмаганлар билан ишлаш» бўлими билан доимо ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказилаётир. Ўқувчилар тарбияланаётган 61 та моддий ночор оилага ўқув қуроллари ва бошқа ёрдамлар кўрсатиб турилибди.

Ҳадемай, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш мақсадида Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда илмий изланишлар йўлга қўйилади. Ҳозирги кунда «Бўстонлиқ» жамоа хўжалиги, 125-автокорхона, туман газ таъминот бошқармаси, хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш корхоналари мактабни оталиққа олишган. Улар ёрдамида турли тадбирлар ўтказилмоқда, таъмирлаш ишлари амалга оширилаётир. Жумладан, спорт майдончаси ҳамда ўқув биносининг ички қисми тўла таъмирдан чиқарилди, жиҳозлар билан таъминланди.

Ж.ОХУНОВ,
Бўстонлиқ тумани.

Суратда: Гулфида Қорабоева 4-иқтидорли синф ўқувчилари билан машғулот ўтказмоқда.

СЎЗ КЎНГИЛ ШОҲИДИ, ЎИЛГИЛ

Сўз кучидан йиқилур минбар ҳам, дор ҳам,
Сўз бирла чиқар индан илон-мурдор ҳам.

Абу Шукур БАЛХИЙ

Сўзинг қолгусидир сендан ёдгор -
Хорлигингга сабаб айлама зинҳор.

Абулқосим ФИРДАВСИЙ

Сўздир инсон ақлин далили,
Сир очилур, сўзлагач тили.

Носир ХИСРАВ

Ўзбекистонда ҳар бирининг узунлиги 10 километрдан кам бўлмаган 656 та дарё бор. Бу дарёлардан бир йилда ўрта ҳисобда 105 миллиард куб метр сув оқиб ўтади.

Мамлакатимизнинг барча дарёларидан ҳар 3 сонияда оқиб ўтадиган сув бир гектар майдонни суғоришга етади.

Апрел-сентябр ойларида бир гектар майдондаги буғдой ўрта ҳисобда 2700-3500, ғўза 7000, шоли 58.000 куб метр сув ичади.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Ҳар тўғрида БАЛИҚЛАР ШИФОХОНАСИ

Аквариумларда рангбаранг балиқлар боқиш ҳам санъат. Сержило ҳаракатлари, чиройли тузилиши билан киши кўзини қувонтирадиган бундай балиқчаларнинг баъзилари табиатан нозик бўлади.

Агар зарур шароит яратиб, кўнгли тусаган овқати ўз вақтида берилмаса, касал бўлади. Хаста балиқларни қандай даволаш мумкин?

Ғарбий германиялик мол доктори Вернер Бергер шу мавзуда илмий тадқиқот олиб борди. Олим Мюнхенда балиқлар учун дунёда якка-ю ягона касалхона очиб, кираверишига «Балиқлар шифохонаси» деган лавҳа осиб қўйди. Бу ерда балиқлар шифокори қабулига кириш осон эмас, бир-икки кун илгари навбатга ёзилиб қўйиш керак.

САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИ ХАВФИ

Кўп мамлакат олимлари атмосферага зарарли саноат чиқиндилари чиқариб юборилаётгани ва бу хусусда назоратни кучайтириш тўғрисида куйиниб гапирмоқдалар. Уларнинг ҳисоб-китобига кўра, 1979 йилга қадар Ер атмосферасига 9 миллион 200 минг тонна фреон, фриген ва бошқа газлар қўшилган.

Пардоз буюмлари, баъзи кир ювиш порошоклари ва хўжалик кимёсининг бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳосил бўлувчи чиқиндилардан ажралиб чиқадиган бундай зарарли газлар ҳаво таркибидаги озон газини йўқ қилади. Бунинг натижасида ҳавонинг ҳаёт учун зарарли бўлган фазовий нурларни тутиб қолиш қобилияти пасаяди.

БУ - ҚИЗИҚ

1887 йили Лондон шаҳрида йигирма тўрт ёшида вафот этган Франц Винкельмайер дунёда энг дароз одам ҳисобланган. Унинг бўйи 273 сантиметр бўлган.

Германияда ўтган Марианна Ведденинг бўйи эса 255 сантиметр бўлган.

* * *

Англиялик Даниэль Дэмперт 369 килограмм ва Грэй Жевет 364 килограмм келадиган оғир вазнли одамлар бўлишган. 303 килограммлик негр аёли Люси Люррис хотин-қизлар ўртасида биринчиликни олган.

* * *

Англиялик Томас Карн энг узоқ умр кўрган киши ҳисобланади. У 1588 йилда туғилиб, 1795 йилда, яъни 207 ёшга кириб ўлган.

* * *

1504 йилда Германияда вафот қилган Барбара Шлюцер серфарзандликда биринчиликни олган хотин ҳисобланади. У жами 53 та бола - 38 та ўғил ва 15 та қиз туққан.

«АЛЛА» СЕҲРИ

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир шоҳнинг қонхўр-жаллод деяном чиқарган лашкарбошиси бўлган экан. У бутун қишлоғ-у шаҳарларни вайронага айлантириб, қари-ю ёш борки ҳаммасини тиғидан бирма-бир ўтказаркан. Бир неча бор таназзулга юз тутган мамлакат ичра бир қишлоқгина доимо унинг тиғидан омон қолар экан. Сарой аъёнларидан бири бу ҳолни шоҳга етказибди. Шоҳ лашкарбошини ҳузурига чорлабди:

- Қўлингга қиличингни ол-да, тезликда ўша қишлоқ аҳлини бирма-бир тиғдан ўтказиб кел.

- Шоҳим, авф этинг, истасангиз мана қиличим, бошимни кесинг. Лекин қонхўр-жаллод номини олган мен ғарибнинг қўлидан бу иш келмайдур...

- Қани, сўйла-чи, сенинг бу қилмишингда не сир яширин?

- Шоҳим, қишлоққа бостириб кирмоққа ботинолмайман. У қишлоқнинг оналари фарзандларини алла айтиб катта қиладилар...

Алла... Бу қўшиқнинг сеҳри, жозибаси нимада? Не сабабдан у Момо Ҳаво биринчи фарзандини аллалагандан буён сайқалланиб ижро этилиб келинмоқда? Ахир, гўдак алла эшитмаса ҳам катта бўлаверади-ку?!

Алла, бу она қалби, унинг орзу умиди, тилакларию дардлари мужассам бўлган эзгулик қўшиғидир. Бола маънавияти алла билан шаклланади, ривож топади. Алла - баркамол инсон дебочаси, мукаммал ҳаёт пойдеворидир. Баркамол инсон эса буюк келажакни яратади.

Куни кеча пойтахтнинг муҳташам «Туркистон» саройида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси тамонидан ўтказилган Республика «Алла» кўрик-танловининг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятидан ташриф буюрган ғолиблар иштирок этдилар.

Маълумки, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос шеваси, урф-одатлари мавжуд. Бу нарса танловга янада мазмун бахш этди. Алла тарихи ҳақида хикоя ва ривоятлар кўпчиликка янгилик бўлди, десак янглишмаймиз. Ҳар бир вилоят почта ходимларининг маҳорат билан намойиш этган саҳналари тамошабинлар тамонидан илиқ кутиб олинди. Айниқса Андижон, Бухоро ва қорақалпоғистонликлар ижро этган алла қўшиқлари ўзининг мукаммаллиги, бадиий савиясининг юқорилиги билан алоҳида ажралиб турди. Холисона айтадиган бўлсак, беллашувга ажратилаган йигирма дақиқа вақт қисқа. Ана шу вақт ичида алла ижро этиш ва унинг тарихини очиб бериш осон эмас. Барча жамоалар шундай қийин шартнинг уддасидан чиқди, дейишимиз мумкин.

Алла айтай, жоним болам, қулоқ солгин, алла-ё,
Ширин аллам тинглаб аста, ором олгин, алла-ё.

Саҳна узра таралган она алласи барчани бирдек хаяжонга солди. Хатто бухороликларнинг тақдим этган театрлаштирилган саҳна кўриниши ва ижро этган алласига залда ўтирганлар ёноғида ёш қалққанини кўриш мумкин эди.

Беллашувнинг иккинчи босқичида иштирокчилар фарзанд тарбияси, юртимиз тарихи ва ҳуқуқий билимларини намойиш этдилар. Ҳакамлар хайъатининг белгилаган балларига мувофиқ андижонликлар биринчи, бухороликлар иккинчи, наманганликлар учинчи, Жиззах вилояти вакиллари тўртинчи ўринларни эгаллашди. Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Хайрулло АБДУЛЛАЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Сиз нима дейсиз?

МУРОД РАЪНО АКРОМ

ИСМЛАР ЖИЛОСИ

АКМАЛ ҲАСАН ТЕМУР

Эрнст БЕГМАТОВнинг «Ўзбек исмлари» («Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 1998 йил) китобини ўқиб...

Қишлоғимда Мусурмон исмли бола бўларди. Ўзимиз билиб-билмай уни «Мусур» деб чақирардик. Бунга ўзиям шу қадар кўникиб кетган эдики, иттифоқо исмини тўлиқ айтган тақдиримизда ҳам ғалати қабул қиларди:

- Намунча Мусурмонлаб қолдинг, мени - «Мусур» десанг бўлди-да!..

Бу гаплардан хабар топган муаллимимиз мактабда дашном берди:

- Ўрисчани тузукроқ ўқимайсизлар-да, «мусур» - қўқим (ахлат) дегани-ку...

Ўзича қатъиятли жўрамиз барибир шаштидан қайтмади:

- «Мусур»нинг ўрисчаси шунақа бўлса бўлар, бошқа тиллардаги айрим исмлар ҳам ўзбек тилида ғалати эшитилади-ку. Масалан, физика фанидан ўрганганимиз - «қаршилик белгиси»ни яратган немис олимининг отини айтишга уяласан киши... шунақа исмлар бошқа тилда ғалатироқ эшитилса мен айбдорми?..

Жўрамизнинг фикри маъқул тушди. Қанақа маъно англатишидан қатъи назар биз Мусурмонжонни болаликка хос самимият билан «Мусур» деб чақиравердик.

Йиллар ўтиб ақлимиз ҳам улғайди. Болаликда тушунмаган нарсаларимизни энди теранроқ англай бошладик. Хусусан, исмлар масаласида муаллимимиз айтганидан ҳам кўпроқ мушоҳада қилиш зарур экан. «Ўзбек исмлари» китобининг 600-бетида шундай жумла ёзилган: «Исмлар ва уларнинг миллий шаклларига лоқайдлик билан муносабатда бўлиш баъзи ўзбекча номларнинг русча бузилган шаклини «ижод қилиш»да ҳам кўринади. Натижада баъзи ота-оналар ўз фарзандининг, ёшлар эса ўз дўстларини, ўртоқларининг, ака-укалар ёки опа-сингилларининг исмларини Алик (Алишер, Аҳмаджон), Гуля (Гулнора, Гуландом), Диля (Дилбар, Дилором)... шаклларида бузиб айтишади. Бундай «номбозлик», «номбузарлик» ҳаракати она тилига, қолаверса, рус тилига ҳам ҳурматсизликдир». Биз-ку, болалик қилиб жўрамизни «Мусур»га чиқарганимиздан ҳали-ҳануз ҳижолатдамиз. Таассуфки, бундай «номбузарлик» баъзи бадиий асарларимизда, театр, телекўрсатувларда ҳам бот-бот учраб туради. Ўша асар муаллифи «ҳаётий асар» ёзяпман деб аслида она тилимизга, гавҳар мисол миллий қадриятларимиздан ҳисобланмиш исмларимизга нотўғри муносабатда бўлганини тушунмоғи лозим! Ахир, мумтоз романларимиздан бири - «Ўтган кунлар»да бирор қаҳрамон бошқасининг исмини «яримта-юрумта» қилиб чақирмайди-ку!

Мусурмон, Мусурмонқул, Мусурмонбек, Мусурмонхўжа каби исмларга келсак, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида улар кўп учрайди. Йиллар, асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бундай исмлар замирида ҳам қандайдир муҳим маънолар мужассамдир?.. Мусурмоннинг бир муҳим маъноси - улар Худонинг қудрати билан она қорнидаёқ суннат (хатна) қилинганга ўхшаб туғиладилар. Сўнг, улар бошқа суннат (хатна) қилинишига хожат қолмайди. Бундай болаларга Суннат, Суннатилло деб исм қўйилиши ҳам мумкин. Мазкур китобнинг 400- бетида Суннат ва Суннатилло исмларига ҳам изоҳ берилган. Яъни бу исмлар ҳам араб тилидан кириб келганлиги бошқа маънолар қатори айнан «суннат қилинганга ўхшаб туғилган» бўлиши ҳақида баён этилган.

«Ўзбек исмлари» китобининг 262-бетида Мусулмон, Мусулмонбек, Мусулмонқул каби исмларга таъриф берилган. Бу исмларнинг араб тилидан кириб келганлиги, ислом динига эътиқод қилувчи, художўй деган маъноларни англатиши изоҳланган. Эҳтимол, Мусурмон деган исм ҳам Мусулмоннинг «маҳаллийлашган» шаклидир?.. Умид қиламизки, бугун тилимизда мавжуд бўлган 14600 исмларни жамлаб батартиб изоҳ ёзган ва шу қадар улкан, баракали китоб яратган муҳтарам домламиз бу «арзимас» масалага ҳам аниқлик киритиб берадилар.

Исмлар - аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган энг катта мерос, деб билишимиз лозим. Ҳар бир исмнинг ўз тарихи бор. Қайси исм неча йиллик тарихга эга экани ҳақида дафъатан бир фикр айтиш мушкул. Шуниси аниқки, доно бобокалонларимиз ҳар бир исм ҳақида жуда оқиллик билан ўйлаганлар. Шу маънода ҳар бир исмни - Кашфиёт десак арзийди. Кашфиёт бўлганида ҳам шунчаки «янгилик» маъносидагина эмас, балки ҳар бир янги туғилган инсоннинг келажагини, феъл-атворини, маънавий дунёсини белгилашга хизмат қиладиган дастуриламал десак муболаға бўлмаса керак.

Турли замонларда исм-шарифларга муносабатлар турлича бўлганини тарихий асарлардан, халқ оғзаки ижодидан биламиз. Шуниси эътиборлики, ўтмишда ўзбекона исмларимизга нотўғри муносабатда бўлинмаган, айрича кўз билан қаралмаган бўлса керак.

Охирлаб бораётган асримизнинг иккинчи ярмидагина миллий исмларимизга бўлган айрича муносабатлар кўпчиликнинг дилини хуфтон қилган бўлса ажабмас. Бунга бир томондан собиқ «қизил тузум» мафкураси сабаб бўлса, иккинчи томондан ўзимиз ҳам айбдормиз...

Тўлқин ЭШБЕК,
ёзувчи, Усмон Носир мукофоти лауреати.

(Давоми бор)

Тажриба юқори баҳоланди

Навоий Давлат кончилик институтининг ўзбек ва чет тили кафедраси мудири Мунаввар Қаюмова бу йил «Устоз» жамғармаси танловида қатнашди. У «Ўзбекистон тарихи», «Иқтисод», «Ҳуқуқшунослик» ва чет тили бўйича билимларини намойиш этиб, жамғарма совриндори бўлди ҳамда Вашингтон шаҳридаги нуфузли ўқув масканларида малака ошириб қайтди.

- АҚШда таълимдаги янгиликлар, ўқитиш технологиялари ва методлари, таълим стандартлари дастури бўйича таниқли олимларнинг маърузаларини тингладик, - дейди М.Қаюмова. - Машғулотлар давомида мамлакатимиз педагоглари ишлаб чиққан услубий кўрсатма ва методлар хорижий ҳамкасбларимда катта қизиқиш уйғотгани, бизнинг бу борадаги тажрибамизга юқори баҳо берилгани мени ғоят қувонтирди.

МУШУКЛАР ҲАҚИДА ПИЧА

Мушук йиртқич маҳлуқдир. Ўлжасига ҳамла қилмоқчи экан, одатда, унинг бўйнини нишонга олади.

Ит ҳам, мушук ҳам ўз ҳиссиётини думи воситасида изҳор этади. Бироқ, ит думини кўтариши билан ғазаб ёки таҳдид аломатини, думини солинтириб, ўнгга-сўлга ликиллатиши билан қаноат белгисини англатса, мушукда буларнинг мутлақо тескарисидир. Ит билан мушукнинг бир-бирига рақиблиги шундай бир англашмовчилик оқибатидандир.

Шундай ҳоллар бўладики, мушук ҳам ўзининг азалий рақиби - ит олдида таслим тушади ва қочиб қолади. Бунда ҳам мушукларга қойил қолмоқ керак. Деярли барча итлар мушукларни қийратиб қувлашни яхши кўргани билан уларнинг камдан-камигина юзма-юз тўқнашувга бардош бера олади.

Уй мушуги бир йилда 600 та сичқонни йўқотади ва фақат 4 та қушнинг заволи бўлади.

БУРГУТ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИБ

Қушлар ялтироқ нарсага ўч бўлади. Жанубий Африка конларида ўтган асрда уй паррандаларини боқиш ҳосиятли ҳисобланган. Чунки, паррандалар кон атрофида ўралашиб юриб, ҳатто олмосларни қидириб топиб ютганлар ҳам.

Бир каптарни тутиб сўйишганда, унинг жиғилдонидан 43 дона, оғирлиги 5,5 карат келадиган олмос топилган.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Уралдаги бир товуқ тухум ўрнига олмос туққан. Бу нарса бутун дунёда катта шовшув кўтарилишига сабаб бўлган.

Бир афсонага кўра, чиқиб бўлмас тоғ қоялари ва атрофини ўраб олган илонлар воҳага ҳеч кимни яқинлаштирмас экан. Бироқ, айёр савдогарлар жазирама бу воҳадан олмос олиш йўлини ўйлаб топишган. Улар воҳага гўшт ташлашади. Гўштни кўрган бургутлар уни ўз уяларига ташиб кетадилар. Гўштга ёпишиб қолган олмос эса бургут парвоз қилганда ерга тушган ва савдогарлар уни йиғиб олганлар.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вакти — 21.00 Топширилди 22.50

Буюртма Г— 0734. 1 2 3 4 5 6